

# Qishloq hayoti

2016 йил Соғлом она ва бола йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2016-YIL 28-YANVAR, PAYSHANBA, 12 (8563)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan  
Bahosi kelishilgan narxda.



Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (Ўза) олган сурат.

Аввал хабар берганимиздек, жойларда Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтмоқда.

## САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАР, УЛКАН ВАЗИФАЛАР

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ.** Урганчда 2015 йил якунлари ва 2016 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Хоразм вилояти ҳокими П.Бобожонов бошқарган йиғилишда Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Хисобот даврида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10,1, хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 21,9, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

етиштириш 5,9, қурилиш ишлари ҳажми 13,2, чакана савдо айланмаси 12,5, жами хизматлар 13,4 фоизга ўсди.

Саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида жами 559 миллиард сўм миқдоридagi инвестиция ўзлаштирилиши ҳисобидан 1 минг 725 лойиҳа амалга оширилди ҳамда 11,6 минг янги иш ўрни яратилди.

Президентимизнинг 2012 йил 22 ноябрдаги “2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарорига асосан ўтган уч йил давомида 308 миллион 500 минг доллар миқдорда инвестиция маблағи ўзлаштирилиши ҳисобидан 432 саноат корхонаси фаолият бошлади. Хусусан, 2012 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ҳажми 508

минг сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 1 миллион 358 минг сўмга етди.

Бугунги кунда вилоятда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг 31 фоизи машинасозлик ва металлни қайта ишлаш соҳасига, 27,2 фоизи енгил саноат, 17,7 фоизи озиқ-овқат саноати ва 16,6 фоизи бошқа тармоқларга тўғри келмоқда.

“GM Uzbekistan” акциядорлик жамиятининг Хоразм филиали томонидан бугунги кунгача қарийб 49 минг “Damas”, 2 минг 984 “Orlando” ва 1 минг 431 “Labo” автомобиллари ишлаб чиқарилди. “UzXMG” қўшма корхонаси томонидан 233 қишлоқ хўжалик техникаси, жумладан, 149 экскаватор, 72 бульдозер ва 12 юк ортгич техникаси ишлаб чиқарилди.

(Давоми 2-саҳифада)

### САҲИФАЛАРДА

Спортда тоблалар  
баркамол авлод

2

Мозийдан  
ёғдулар

Буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросини чуқур ўрганиш авлодлар учун ҳам фарз, ҳам қарз

3

ГРИПП: хавотирга ўрин йўқ

4

Мия хотираси интернетдан кучлироқ

8



# САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАР, УЛКАН ВАЗИФАЛАР

(Боши 1-саҳифада)

Маҳаллийлаштириш дастури ижроси доирасида Хива туманидаги “Хива маиший техника” корхонасида 1 минг 200 музлаткич ва совиткич, Қўшқўпир туманидаги “Қўшқўпир Агро Инвест” корхонасида 1 миллион дондан ортиқ светодиод ёриткич ишлаб чиқарилди.

Йиғилишда аҳоли бандлигини таъминлаш, туризм салоҳиятини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, экспорт салоҳиятини юксалтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Айрим соҳаларда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Хоразм вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

**А.ШОКИРОВ,  
ЎЗА мухбири.**

\*\*\*

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**да 2015 йилда 87,5 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Унинг 66 фоиздан зиёди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келди. Касб-хунар коллежи битирувчиларидан 37 минг нафардан ортиги иш билан таъминланди.

Тошкент вилояти фаолларининг 2015 йил якунлари ва 2016 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилишида шу ва бошқа масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокими А.Усмонов бошқарган йиғилишда асосий эътибор Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилди.

Қайд этилганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги лойиҳаларни ишга тушириш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технология янгилас юзасидан олиб борилаётган ишлар вилоят иқтисодиётининг барча соҳаларида изчил ўсиш суръатини таъминлади. Хусусан, вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши 6,7 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10,9, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 22,6, хизматлар 13,4, чакана савдо айланмаси 15,2 фоизга ўсди.

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ижроси доирасида барча манбалар ҳисобидан 216,8 миллиард сўм ва 1,7 миллион долларлик маблағ сарфланди.

Йиғилишда ҳал этилмаган муаммоларни батафсил ва ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, вилоятдаги 20 асосий саноат корхонасида 2015 йилда ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йилга нисбатан бир мунча камайгани, мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш учун зарур чоралар қўрилмагани ва бошқа айрим соҳаларда мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётгани танқид қилинди. Ислохотларни давом эттириш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишнинг дастурий вазифаларига, шунингдек, унинг 2016 йилда энг муҳим устувор йўналишларига атрофида тўхталиб ўтилди.

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжалиқларининг экспортдаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, вилоятнинг экспорт салоҳиятини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Айрим соҳаларда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Тошкент вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов сўзга чиқди.

**Б.ХИДОЯТОВ,  
ЎЗА мухбири.**

**Тошкент давлат аграр университетида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳамкорлигида “Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришда замонавий мутахассис кадрларнинг ўрни ва роли” мавзусида амалий мулоқот ташкил этилди.**

## Бўлажак фермерлар даврасида

Унда таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилаётир. Фермерлик ҳаракати нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, балки жамиятда, қишлоқда ижтимоий масалаларни ҳам ҳал қилувчи қудратли ижтимоий-сийсий кучга айланмоқда. Соҳада яратилаётган кенг имкониятлар самарасида ер эгалари сафида замонавий билимга эга, ташаббускор ва фаол ёш мутахассислар сафи кўпайиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш

ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда кўп тармоқли фермер хўжалиқлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уни қайта ишлаш, аҳолига сервис хизматлари кўрсатиш каби йўналишларда самарали фаолият юритмоқда.

Аграр соҳада олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида ўтган йили 17 минг 500 дан ортиқ янги фермер хўжалиги ва 250 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди.

– Ушбу тадбир орқали билим ва кўникмаларимизни янада бойитдик, – дейди Тошкент давлат аграр университети талабаси Шаҳзод Ҳамдамов. – Хусусан, кўп тармоқ-

ли фермер хўжалиқларида саноатни ривожлантириш, яъни қайта ишлашни йўлга қўйиш борасидаги истиқболли лойиҳалар тўғрисида кўплаб маълумотларга эга бўлдик. Келажакда кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш йўлидаги ишларга ўз ҳиссамни қўйиш ниятидаман.

Юртимизда фермерлик ҳаракати фаолиятини кенгайтиришда фаол иштирок этаётган шиоатли, изланувчан, ёш фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда.

Хусусан, “Келажак фермери” ва “Ёш фермер” танловларида кўплаб ёшлар ўз иқтидорларини намоён этмоқда.

Амалий мулоқот доирасида ўқув-машғулоти ҳам ўтказилди. Унда аграр соҳада фаол бўлган ёшларнинг тажриба майдонларида фермерликка оид инновацион лойиҳалари билан яқиндан танишилди, улар асосида тайёрланган тақдимотлар иштирокчиларга намойиш этилди.

**Озод ОЧИЛОВ,  
“Qishloq hayoti” мухбири.**

Самарқанд Вилояти

БОЛАЛАР СПОРТИ

# СПОРТДА ТОБЛАНАР БАРКАМОЛ АВЛОД

**Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор самарасида ёш авлод соғлом ва баркамол бўлиб вояга етмоқда, ўзларининг истеъдод ва салоҳиятини тўла намоён этишмоқда. Олиб борилаётган ишларда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти муҳим аҳамият касб этаётир. Хусусан, Самарқанд вилоятида ҳам бу борада кенг қўламли ишлар ва эътирофга лойиқ натижалар кўзга ташланмоқда.**



Алишер ИСРОЙЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

– 2003 йилдан буён жамғарма маблағлари ҳисобидан вилоятда 240 дан зиёд спорт иншооти барпо этилди ва реконструкция қилинди, – дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Самарқанд вилояти филиали директори Ҳамид Самандаров. – Биргина ўтган йилда жамғарма томонидан қирқдан ортиқ спорт иншооти бунёд этилди. Барпо этилган янги спорт масканларига ҳар хил турдаги жиҳозлар етказиб берилди. Уларнинг ақсарияти қишлоқ жойларида қад ростлаётгани янада аҳамиятлидир.

Албатта, янги спорт мажмуаларида кундалик машғулоти, мураббийларнинг таълим-тарбияси болаларни жисмоний ҳамда руҳий жиҳатдан чиниктиради ва ўзига бўлган ишончини оширади. Шунингдек, тиббиёт хонаси, алоҳида мураббийлар хоналарига ва қўшимча кулайликларга эга ушбу спорт мас-

канлари ёшларнинг турли мусобақаларда юқори натижаларни қўлга киритишида муҳим омил бўлмоқда.

Бундай замонавий шароитларда жисмонан тобланиб, маънан юксалаётган ўғил-қизлар нуфузли халқаро мусобақаларда мамлакатимиз ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигини намоён этмоқда. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси эндиликда нафақат замонавий иншоотлар қурилишини, балки дунёнинг турли давлатларида бўлиб ўтаётган мусобақаларда иштирок этиш истагини билдираётган ёш спортчиларни қўллаб-қувватлаш ишларини ҳам ташкил этмоқда.

– Мураббийларим кўмагида ўз устимда тинимсиз шуғулланиб, маҳоратимни оширдим, – дейди дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Диёра Келдиёрова. – Бунинг самарасида турли чемпионатларда совриндорлар қаторидан ўрин эгалладим.

Президентимиз томонидан бизга кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрликлардан хурсандимиз.

Мутахассисларнинг фикрича, болаларнинг жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиши натижаси уларнинг вазн ва бўй ўсишидаги ўзгаришларда яққол кўзга ташланаётир. Бугунги кунда халқ таълими тизимида таҳсил олаётган 540 минг нафардан зиёд ўқувчининг 296 минг 781 нафари жисмоний тарбия дарсларидан ташқари спорт билан шуғулланиб келади. Қишлоқ жойларида эса 289 минг 928 нафар ўқувчи спортга ошно тутинган.

Айни пайтда ҳам жамғарма томонидан болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилаётир. Хусусан, ақин вақт ичида кўплаб спорт иншоотлари фойдаланишга топширилмоқда. Жумладан, яқиндагина ишга туширилган Самарқанд шаҳридаги 59-умумтаълим мактабида бунёд этилган янги спорт зали ҳам ёш авлод учун совға бўлди. Қисқа муддатда қурилиб, жиҳозланган ушбу иншоотда қўшимча тўғаракларнинг ташкил этилиши спортга иштиёқи баланд ёшлар сафини янада кенгайтирмоқда.

Бундан ташқари, шу кунларда вилоятда 10 дан ортиқ сузиш ҳавзасининг фойдаланишга топширилиши ёшларнинг сув спортига бўлган қизиқишини янада орттирмоқда. Ўтган йили Пастдарғом туманида “Олимп” ёпиқ сув ҳавзаси қурилиб, болалар ихтиёрига берилди. Бу йил эса Ургут туманидаги 1-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактаби учун ёпиқ сув ҳавзаси бунёд этилмоқда. 2 миллиард 408 миллион сўмдан зиёд маблағ эвазига қурилаётган мазкур сув ҳавзасида айни кунларда сўнгги қурилиш-монтаж, пардозлаш ишлари амалга ошириляпти.

Юртимизда қад ростлаётган мана шундай янги, замонавий болалар спорти иншоотлари эзгу мақсадларга хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир.

**Нуриддин БОЛИЕВ,  
“Qishloq hayoti” мухбири.**





# МОЗНИЙ ДОН ЎЎҚУМЛАР

Буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросини чуқур ўрганиш авлодлар учун ҳам фарз, ҳам қарз

*Саноқли кунлардан сўнг маънавий тафаккуримизнинг икки дурдонаси – Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд айёми нишонланади. Шу муносабат билан Миллий матбуот марказида “Мумтоз-ул-аброр” жамияти томонидан ўтказилган матбуот анжуманида улар қолдирган бой маънавий меросни навқирон авлод ўртасида кенг тарғиб этишга яна бир бор эътибор қаратилди.*

## ДОЛЗАРБЛИГИНИ ЙЎҚОТМАГАН БАЙТ

Навоий бобомизнинг ижодий мероси кўз ўнгимизда Хиндистондан Юнистонгача чўзилган географик кенгликдаги тафаккур дурдоналарини умумлаштириш олдига бойитишга хизмат қилади. Уларда эзгулик, инсонпарварлик, адолатпарварлик, маърифатпарварлик гоёлари ўзининг юксак бадиий-фалсафий талқинини топган. Айнан шу боис, улар жаҳон мумтоз адабиётининг нодир дурдоналари қаторидан жой олган.

Алишер Навоий ўз даврининг фаол киши сифатида одамлар ўртасидаги қарама-қаршилиқларга барҳам бериш,

шу тариқа жамиятда тинчлик-тотувликни қарор топтириш ва мустақамлашдек эзгу ишга катта ҳисса қўшибгина қолмай, бошқаларни ҳам бу борада шижоат кўрсатишга даъват этгани маълум.

**Олам аҳли, билингизким,  
иш эмас душманлиг,  
Ёр ўлунг бир-бирингизгаки,  
эрур ёрлиг иш.**

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида салобат тўкиб турган Навоий бобомиз ҳайкали гумбазига ёзиб қўйилган, бутун баъшариятга хитоб тариқасида айtilган ушбу байт бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Зеро, ҳозирги тез ўзгарувчан дунёда йирик давлатлар манфаатларининг ўзаро тўқнашуви натижасида айрим минтақалар этник ва конфессиялараро қарама-қаршилиқлар гирдобиди қолаётгани, бу эса, ўз навбатида, маҳаллий аҳолини ҳаловат ва фаро-

гатдек буюк неъматлардан маҳрум қилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Қалби уйғоқ, соғлом фикрловчи ҳар бир одам бундай аянчли воқеаларга, албатта, ҳазрат Навоийнинг юқоридаги даъватини эслаб муносабат билдириши табиий.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда кўплаб буюк аждодларимиз қаторида Алишер Навоийга бўлган эътибор ва эҳтиром юксак поғонага кўтарилди. Улуғ бобокалонимиз шахси ва ижодига муносабат тубдан ўзгариб, унинг бой ижодий меросига тўлақонли ҳамда ҳаққоний ёндашув имконияти яратилди. Мазкур жараёнда Навоийнинг йигирма жилдлик мукамал асарлар тўплами чоп этилгани халқимиз маънавий ҳаётида катта воқеадир. Буюк мутафаккир шоирнинг ҳаёти ва серқирра ижодини ўрганиш борасидаги кенг кўламли ишлар бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

## БОБУР МИРЗОНИНГ АРМОНИ

Буюк давлат арбоби, қомусий аллома, мумтоз адабиётимизнинг яна бир забардаст намояндаси Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва серқирра фаолияти ҳам халқимизнинг бой тарихида алоҳида ўрин тутади.

Бобур Мирзонинг турли соҳаларга оид бебаҳо ва бой илмий-адабий меро-

си, айниқса, миллий адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин олган “Бобурнома” асари жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Шу билан бирга, шоир, тарихчи олим, табиатшунос, мохир саркарда, улкан арбоб сифатида тан олинган бу буюк сиймо ҳақида Европа, Осиё ва Америка қитъаларида кўплаб илмий тадқиқотлар, бадиий китоблар яратилган. Ушбу йўналишдаги изланишлар ҳамон давом этаётир.

Мустақиллик даврида юртимизда Бобур Мирзонинг ижоди ва фаолиятини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Унинг назмий девонлари, “Бобурнома”, “Аруз рисоласи”, “Волидия” сингари нодир асарлари қайта нашрдан чиқди.

Бобур ва бобурийлар ҳақида хоризда яратилган юзлаб бадиий, илмий, тарихий манбалар ўрганилди, кўплаб асарлар ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Юртимизда илк бор “Бобур энциклопедияси” тайёрланди. Андижон шаҳри маркази ва Бобур номи билан аталувчи маданият ва истироҳат боғида унинг порлоқ сиймоси акс этган ҳайкаллар бунёд этилди.

Гарчи Бобур Мирзо Хиндистонда буюк салтанатга асос солган бўлса-да, умрининг охиригача Мовароуннахрга, Ватанига талпиниб яшагани маълум. Унинг қалб тугёнларига тўла туюқ, рубоий ва газалларида Ватан соғинчи ўз бадиий ифодасини топган. Умуман, Ватан васфи ва соғинчи Бобур лирикасида кўпроқ учрайди.

XI аср интеллектуал салоҳият асри сифатида инсоният учун янги уфқлар очаётгани баробарида илгари кузатилмаган муаммоларни ҳам келтириб чиқараётгани сир эмас. Ҳозирги мураккаб ва нотинч даврда бундай муаммоларнинг ечимини излашда буюк аждодларимизнинг бой меросига таянишимиз ҳар томонлама мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан қаралса, дунёнинг айрим минтақаларида маънавий-ахлоқий кадрятлар тобора таназзулга юз тутаётган, “оммавий маданият” хатари кенг тарқалиб бораётган айна пайтда ёшларимизнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишида Навоий ва Бобур асарларини янада чуқурроқ англаш муҳим аҳамиятга эга.

Бугун озод ва обод Ватанда, эркин ва фаровон ҳаёт бағрида вояга етаётган ўғил-қизларимиз Навоий ва Бобур каби буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиб, онгу шуурига сингдиргани сайин эзгулик ҳамда бунёдкорликка интилаверадилар.

Сайидодил САЙИДИСЛОВ

# КЕЛИНЛАР СЕПИДА АЛЛОМАЛАР АСАРЛАРИ

**Азизанинг келинлик сепига ота-онаси мумтоз китоблар жамланмасини ҳам қўшди. Ўқимишли куёв, кўпни кўрган қайнота-қайнона ҳам бундан мамнун бўлди.**

Ҳаётда ҳар хил ҳолат бўлади. Айниқса, ёш оиланинг бир-бирини тушуниб, оёққа туриб кетиши осон кечмайди. Бундай вазиятда аждодлар ўғити, ҳаёт тажрибаси ёшларга мадад бўлади.

Азиза бир неча йил фарзанд кўрмади. Бу муддатда уларга алломалар асарлари, пандлари суянч, юпанч бўлди. Келиннинг сепидаги Алишер Навоийнинг “Хамса”си, “Ҳазойин ул-маоний”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Лиссон ут-тайр” китоблари, Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикматлар”и, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат-ул-ҳақойиқ”, Бобурнинг “Бобурнома” асарлари ёш оилага зиё, руҳий куч-қувват улашди.

Буюк алломаларимизнинг дурдона асарлари файз берган хонадонни чақалоқ йиғиси янада яшнатиб юборди. Ҳар томонлама соғлом туғилган қизалоқ яхши тарбия топа бошлади. Навоий асарларидаги ота-она ва-

зифаси, фарзанд тарбияси ҳақидаги ҳикматлар оила муҳити, эзгу ниятларига ҳамроҳ бўлди.

– Навоий бобомиз “Кўнгул маҳзаннинг қулфи тил ва ул маҳзаннинг калидин сўз бил” деганлар, – дейди Азиза. – Шу сўзларга амал қилиб, ўқишда, маҳаллада ҳурмат-эътибор топдим. Қайнонам билан тил топишиб кетишимда ҳам хушмуомала, ҳар бир гапни ўйлаб гапиришим кўл келди. Ҳозир болаларимга ҳам шундай тарбия бераман.

Куёш нури тушмаган хонадонга табиб тез-тез келади, деган гап бор. Бу куёшнинг инсон саломатлигида нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканини билдиради. Китоб – офтоб деймиз. Китоб нури ёритмаган уйда ҳам турли маиший ташвиш ва дилхиралиқлар бўлиши мумкин.

Инсониятни илм, садоқат, вафо, маърифатга ошно этадиган китоблар ўғил-қизларни одилонга ва оқилона фикр юри-



тишга ўргатади. Инсон китоб ўқиш, уни англаш, ҳис этиш орқали камол топади.

Алишер Навоий асарларининг мазмун-моҳиятида инсоний фазилатларни шакллантириш каби эзгу мақсадлар мужассам. Асрлар ўтса ҳамки, бу асарларнинг кадр-қиммати сўнмайди. Аллома таълим-тарбияли, одобли, гўзал феъл-атворли бўлиш маънавий камолотга эришишнинг асоси экани, бу сифатларга эга жамиятда тинчлик, фаровонлик, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, ободлик бўлишини таърифлаган.

Унинг муҳаббат, яхшилик, тўғрилиқ, поклик, илму ҳунар, гўзаллик, ота-онага ҳурмат, устозга эҳтиром, дўстликни қадрлаш каби тушунчаларга йўғрилган асарлари инсонни тарбиялашга хизмат қилиши билан бирга, камолот сари элтади.

Ҳазрат Навоий талқинида оила маънавият ўчоғи, ота-она шу ўчоқни меҳри ила иситувчи машъаладир. Онанинг маънавияти юксак бўлса, дунёга келган гўдак дунёсига таъсир этади. Она алласа, ота меҳри боланинг оилага, ака-укаларга, Ватанига садоқат туйғуларини мустаҳкамлайди.

Шоир асарларидаги илғор гоёлар сўнмас хазина. Унинг танбеҳларида насиҳат, яхшиликка даъват, ёмонликдан узоқ бўлиш, ёмон иллат ва амаллардан қочиш, ўзини ўзи тарбиялаш гоёси мужассам. Акс ҳолда афсус-надомат, пушаймонлик келиб чиқиши изоҳланган. Бу шунчаки айтилаётган сўзлар эмас, бу шоирнинг умри давомида эришишнинг асоси экани, бу сифатларга эга жамиятда тинчлик, фаровонлик, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, ободлик бўлишини таърифлаган.

кўрсатишга хизмат қилади.

Президентимиз раҳнаомлигида қизларни касб-хунарга ўргатиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оила ва жамиятдаги ролини кучайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Қизни турмушга бериш, ўғил уйлантиришдан олдин уларнинг маънавиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидланганидек, биз Алишер Навоийнинг бебаҳо меросидан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўлаемиз.

Ўқиган, уққан қиз одоб-ахлоқли бўлади. Ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам ҳурмат қилади. Қизларни турмушга узатишда уларнинг сепига китоб ҳам қўшиб қўйилса, бу аъёнага айланса, оилалар янада мустаҳкам, фарзандлар билими ва тафаккури юқори бўлади.

Барно МЕЛИКУЛОВА,  
Ўза муҳбири.



# ГРИПП: ХАВОТИРГА ЎРИН ЙЎҚ

Шу кунларда Европанинг жанубий минтақалари, Россия Федерацияси, Украина ва бошқа қатор давлатларда гриппнинг А(H1N1) штамми кенг тарқалмоқда. Мамлакатимиз аҳолиси орасида ҳам мавсумий грипп билан касалланиш ҳоллари учраб турибди. Бундай беморларга тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликнинг аҳоли орасида тарқалиб кетишининг олдини олиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. ЎзА мухбири Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Бош давлат санитария врачлари Саидмурод САИДАЛИЕВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.



## ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

– Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимиз саломатлигини асраш, санитария-эпидемиологик ҳолат барқарорлигини сақлаш, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда эпидемиологик вазият осойишталиги таъминланмоқда. Дунёнинг қатор мамлакатларида грипп ва ўткир респиратор инфекциялар бўйича юзга келган вазиятдан келиб чиқиб, бу йўналишдаги ишлар янада кучайтирилади.

Мамлакатимизда юқумли касалликлар бўйича доимий эпидемиологик мониторинг ҳамда лаборатория назорат ишлари йўлга қўйилган. Республика грипп миллий маркази ташкил этилгани бу соҳадаги ишларни ривожлантиришга хизмат қилаётди. Мазкур марказ ва унинг жойлардаги таянч пунктлари грипп ва ўткир респиратор инфекцияли касалликларнинг деярли барча турларини аниқлайдиган энг замонавий лаборатория таҳлил ускуналари билан жиҳозланган.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан барча даволаш-профилактика муассасаларида мавсумий грипп ва бошқа касалликларнинг олдини олиш, бу йўналишда диагностика-даволаш ишларини ўз вақтида амалга оширишга жиддий тайёргарлик кўрилди. Бундай беморларга шошилчин тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари белгиланди. Дори-дармон захиралари шакллантирилиб, шифохоналарда дезинфекция тадбирларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тиббиёт ходимлари, хусусан, бирламчи тиббий-профилактика муассасалари врачлари ва ўрта тиббиёт ходимлари иштирокида грипп, ўткир респиратор инфекцияли касалликлар профилактикаси, диагностикаси ва даволашнинг замонавий усуллари бўйича ўқув-услубий семинарлар ўтказилди. Дорихоналарда мавсумий гриппни даволашда ишлатиладиган ва химояланишда фойдаланиладиган дори-дармонлар, юзга тақиладиган ниқоблар, тиббий-дезинфекция воситалари тенди ташкил этилди.

Эмлаш ҳар қандай юқумли касалликка қарши курашнинг энг самарали усулидир. Бу борадаги тизимли ишлар натижасида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кексалар, тиббиёт ходимлари бюджет маблағлари ҳисобидан гриппга қарши эмланди. Аҳоли ўртасида эмлашнинг мавсумий гриппнинг олдини олишдаги аҳамияти кенг тарғиб этилмоқда.

– **Грипп ва ўткир респиратор инфекцияли касалликларнинг юқиш йўллари, улардан химояланиш усуллари ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

– Грипп ва ўткир респиратор инфекцияли хасталиклар об-ҳавонинг ўзгариши билан кўзгаланиш ва тез тарқалиш хусусиятига эга. Бу вируслар асосан ҳаво орқали юқади. Грипп сурункали касаллиги бор беморлар, болалар, кексалар, ҳомиладор аёлларда оғирроқ кечиши мумкин. Шу боис касаллик ўз вақтида аниқланиб даволанса, асоратларининг олди олинади.

Шу жиҳатлар эътиборга олиниб, мактабгача таълим, умум-



таълим, тиббиёт муассасаларида профилактика ишлари кучайтирилмоқда. Таълим масканларида врач ва ҳамширалар томонидан эрталабки тиббий таҳлилларни ташкил этиш ва режа асосида ўтказиш, грипп аломатлари аниқланганларга шу ернинг ўзида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари йўлга қўйилган.

Ҳозирги кунда мутахассислар касалликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг энг мақбул усуллари ҳақида тавсиялар ишлаб чиқиб, кенг тарғиб этмоқда. Энг самарали усуллардан бири юзга ниқоб тақиб юришдир. Чунки грипп вируси инсондан инсонга асосан ҳаво орқали юқади. Ниқоб тақийнинг ҳам ўз қоидаси бор. Уларни кунга уч-тўрт марта янгиси билан алмаштириб туриш зарур.

Хасталик маиший йўл билан юқишининг олдини олишда санитария-гигиена қоидаларига риоя этиш ниҳоятда муҳим. Даволаш-профилактика муассасалари, мактабгача тарбия ва умумтаълим мактаблари, ишхоналарда кунга икки марта дезинфекция ва кимёвий ювиш маҳсулотлари воситасида тозалик ишларини амалга ошириш, хоналарни доимий шамоллатиб туриш мақсадга мувофиқдир.

Гриппга қарши курашда ҳар бир инсон касалликнинг дастлабки белгиларини яхши били-

ши керак. Грипп юққанда одамда бош ва мушаклар оғриғи, иштаҳа йўқолиши, ҳолсизлик, тумов, йўтал, ҳароратнинг кўтарилиши, ич кетиши кузатилади. Бундай ҳолларда зудлик билан оилавий поликлиника ёки қишлоқ врачлик пунктига кўнғироқ қилиб, шифокорни уйга чақириш тавсия этилади. Бугунги кунда барча бирламчи тиббиёт масканларида умумий амалиёт врачлари ва оила шифокорлари бундай беморга бирламчи ёрдам кўрсатиш борасида етарли билимга эга. Клиникалар ва даволаш муассасалари юқумли касалликлар билан хасталанган беморларни даволаш учун зарур дори-дармонлар билан таъминланган.

– **Гриппга чалинган кўпчилик беморлар уй шароитида ўз билганича даволанишни маъқул кўради. Бу қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?**

– Грипп вирусли касаллик бўлгани учун антибиотиклар ичиш самара бермайди. Айниқса, болаларга аспирин ичириш асло мумкин эмас. Дориларни бу тартибда нотўғри қўллаш, ошқозон-ичак, асаб, ҳазм тизими билан боғлиқ касалликларга сабаб бўлиши, аллергия хасталикларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун грипп билан хасталанган бемор, албатта, шифокор кўриги-

дан ўтиши, унинг тавсияси асосида даволаниши керак. Шу жиҳатлар эътиборга олиниб, бирламчи тиббий-санитария муассасалари шифокорларига ҳарорати баланд беморлар ҳақида маълумот келиб тушса, уларга уй шароитида тез ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича тавсиялар берилади.

Ўткир респиратор инфекцияли касалликларда ҳам уй шароитида врач келгунга қадар малинали, лимонли, асалли чой, қайнатилган сут, наъматак дамламасини тез-тез ичиб туриш фойдали. Ҳозирги кунда шифокорлар бундай тавсияларни аҳоли орасида кенг тарғиб этиш мақсадида маҳаллалар, таълим масканларида тез-тез учрашувлар ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, эмлаш тадбирларини ўтказиш, тозалikka риоя этиш, хонадонларда дезинфекция ишларини йўлга қўйиш, хоналарни шамоллатиш касалликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Шахсий гигиена қоидаларини доимо ёдда тутиш, айниқса, болаларни овқатланишдан олдин қўлларини совуллаб ювишга одатлантириш лозим. Иқлимга мос кийиниш, овқатланиш меъёри ва қоидаларига тўла риоя этиш саломатликнинг муҳим омилдир.

ЎзА мухбири  
**Баҳор ХИДИРОВА**  
суҳбатлашди.

## «ОЛТИН ҚОЗИҚНИНГ»НИНГ ОЛТИН ХУСУСИЯТЛАРИ

**Сабзи нафақат таомларни тотли қилибгина қолмасдан, балки қатор хасталикларга шифо саналади. Витаминга бой бу неъмат бундан 4 минг йил бурун озиқ-овқат маҳсулоти, доривор ем сифатида маданийлаштирилган. Сабзининг дориворлик хусусиятларидан бугун ҳам унумли фойдаланиб келинмоқда.**

Сабзининг илдиз мевасида 15 фоизгача қанд, крахмал, пектин моддалари, фосфатлар, ферментлар, витаминлардан В гуруҳи, РР, Е, К, Р, С оксил, аминокислоталар, ёғ ва эфир мойлари, пантотен ачили мавжуд. Шунингдек, илдизмева таркибида 200 мг. калий, 51 мг. кальций, 35-38 мг. гача магний, 55-60 мг. фосфор, 0,8-1,2 мг. темир, йод, мис, кобальт каби макро ва микро унсурлар бор.

Каротиноидларни сақлаш борасида сабзи барча сабзавотлар ичида устунлик қилади. Унда 25 мг. гача ана шу ноёб модда мавжуд бўлади. Сабзи таркибидаги шифобахш моддалар инobatта олина-



## ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

диган бўлса, у саломатлик учун фойдали моддалар хазинаси ҳисобланади.

Халқ табобатида сабзининг илдизмевалари пешоб ҳайдовчи, пешоб йўлидаги тош ва қумларни нуратувчи, сурункали йўтал ҳамда зотилжамда нафли омил ҳисобланади, кўкрак ҳамда жигар хасталикларидан эмлик қилади. Шунингдек, унинг гижжаларга қирон келтирувчи хусусияти ҳам мавжуд.

Қадимдан қирғичдан ўтказилган саб-



зига ёғ билан ишлов берилиб, болаларда учрайдиган қабзиятда нафис сурғи воситаси сифатида фойдаланилган. Қайнатиб пиширилган сабзи эса нафаси қисадиган нозик болаларга берилган. У йўталга тасалли бериб, бавосил азиятидан холи этади.

Юқори нафас йўллари яллиғлашиши билан боғлиқ бўлган бронхитда сабзи шарбати билан тоза асални ис-

теъмол қилиш ҳам фойдадан холи эмас.

Ҳозирги замон тиббиётида ҳам ушбу сабзавот бир қатор жиддий касалликлар давоси сифатида тавсия этилади. Чунончи, у ҳужайраларда мавжуд бўлган оксидланиш-қайтарилиш жараёнларини уйғунлаштиради, терининг эт олишига ёрдам беради, эмизикли аёллар сутини кўпайтиради.

Сервитаминоли неъмат сифатида сабзи гиповитаминоз ҳамда авитаминозда, силла қуришида, камқонликда кенг фойдаланилади. Одам сабзини сархил ҳолда ёки қанд билан бирга истеъмол қилиб турган кишининг организми тери касалликларига нисбатан бардошли бўлади, иштаҳаси яхши бўлиб, вазни ортади. Сабзи шарбати гастрит, энтерит хасталикларидан наф беради. Бунинг учун бемор сабзи шарбатидан наҳорда ҳамда кечкурун истеъмол қилиб туриши керак.

Кейинги илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сабзи қон таркибидаги холестериннинг камайишига омилкорлик қилади, саратон-рак касаллиги ривожланишига хотима беради, кўзнинг илғаш хислатини яхшилайди, иммун тизими мустаҳкамлайди.

Маннон НАБИЕВ



## БАРЧА ТУРДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

# ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ 19-СОНЛИ ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Лот-1-1.** Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги “Боғишсой-Шўралисой” коллектор тизимида таъмирлаш-тиклаш ишлари.

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 980 912 003 сўм, шу жумладан, дарахтларни кесиш учун тўлов ҚҚСсиз 13 185 054 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 10 ой.

**Лот-1-2.** Тошкент вилояти Зангиота туманидаги “Чегара-Аччисой” коллектор тизимида таъмирлаш-тиклаш ишлари.

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 401 949 981 сўм, шу жумладан, дарахтларни кесиш учун тўлов ҚҚСсиз 11 140 232 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 10 ой.

**Лот-1-3.** Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги “К-0” коллектор тизимида таъмирлаш-тиклаш ишлари.

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 270 291 068 сўм, шу жумладан, дарахтларни кесиш учун тўлов ҚҚСсиз 11 890 912 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 3 ой.

**Лот-1-4.** Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги “Сарисув-2” коллектор тизимида таъмирлаш-тиклаш ишлари.

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 918 535 907 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 10 ой.

**Лот-1-5.** Тошкент вилояти Бекобод туманидаги “К-2” коллектор тизимида таъмирлаш-тиклаш ишлари.

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 820 345 925 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 10 ой.

**Лот-2-1.** Тошкент вилояти Окқўрғон туманидаги “Қорасув-2” коллектор тизимида таъмирлаш-тиклаш ишлари.

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 859 431 333 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 10 ой.

**Лот-2-2.** Тошкент вилояти Паркент туманидаги “В-2” коллектор тизимида таъмирлаш-тиклаш ишлари.

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 337 297 739 сўм, шу жумладан, дарахтларни кесиш учун тўлов ҚҚСсиз 7 228 320 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 3 ой.

**Лот-2-3.** Тошкент вилояти Бўка туманидаги “Шўрсой” коллектор тизимида таъмирлаш-тиклаш ишлари.

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 488 093

721 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 6 ой.

**Лот-2-4.** Тошкент вилояти Чиноз туманидаги “Эшонобод” коллектор тизимида таъмирлаш-тиклаш ишлари.

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 1 210 278 822 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 18 ой.

**Лот-2-5.** Тошкент вилояти Қибрай туманидаги “Туркистон” (2-боскич) коллектор тизимида таъмирлаш-тиклаш ишлари.

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 531 930 636 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 8 ой.

**Лот-3-1.** Тошкент вилояти Куйи Чирчиқ туманидаги “Мамут” коллектор тизимида таъмирлаш-тиклаш ишлари.

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 702 175 652 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 10 ой.

**Лот-3-2.** Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги “В-5” коллектор тизимида таъмирлаш-тиклаш ишлари.

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 669 557 663 сўм, шу жумладан, дарахтларни кесиш учун тўлов ҚҚСсиз 12 808 561 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 10 ой.

**Лот-3-3.** Тошкент вилояти Бўка туманидаги “Жингилсой” коллектор тизимида таъмирлаш-тиклаш ишлари.

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 1 182 371 368 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 6 ой.

**Лот-3-4.** Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги “Қорасув-2” коллектор тизимида таъмирлаш-тиклаш ишлари.

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 236 631 849 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 8 ой.

**Лот-3-5.** Тошкент вилояти Окқўрғон туманидаги “8-март” коллектор тизимида таъмирлаш-тиклаш ишлари.

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 727 163 551 сўм, шу жумладан, дарахтларни кесиш учун тўлов ҚҚСсиз 5 795 680 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 10 ой.

**Лот-4-1.** Тошкент вилояти Бекобод туманидаги “БСТЗ” коллекторига куйилувчи коллектор дренаж тизимида таъмирлаш-тиклаш ишлари.

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 1 176 296 791 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 18 ой.

**Лот-4-2.** Тошкент вилояти Куйи Чирчиқ туманидаги “Сарисув-1” (2-боскич) коллектор тизимида таъмирлаш-тиклаш ишлари.

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 1 045 962 421 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 18 ой.

**Лот-4-3.** Тошкент вилояти Пискент туманидаги “Таначи-Бўка” коллектор тизимида таъмирлаш-тиклаш ишлари.

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 991 191 482 сўм, шу жумладан, дарахтларни кесиш учун тўлов ҚҚСсиз 23 260 864 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 8 ой.

**Лот-4-4.** Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги “ВС-1” коллектор тизимида таъмирлаш-тиклаш ишлари.

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 340 389 491 сўм, шу жумладан, дарахтларни кесиш учун тўлов ҚҚСсиз 2 266 176 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 4 ой.

*Қиймати 500 000 000,0 сўмгача бўлган объектлар бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.*

*Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига рухсат этилади.*

**Қурилиш ишларини молиялаштириш** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурдаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 19-сонли қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.

**Савдо ташкилотчиси:** Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази.

**Талабгор сифатида иштирок эта-**

**ётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:** улар танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари лозим.

